




# UY-JOY KOMMUNAL XIZMATLARI

Илмий-амалий, ижтимоий нашр 4 (4) 2019

ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ

## ИКЛИМ ЎЗГАРИШИГА БАРҚАРОР СУВ ТАЪМИНОТИ



ЯККАСАРОЙДА  
БИР ЧИЛАНГАР БОР...

*Қадим воҳанинг  
янги кунлари*



## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Уй-жой коммунал хизмат  
қўрсатиш вазирлиги  
"Kommunalo'quv"  
ўқув-методик маркази давлат  
унитар корхонаси

## ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ РАИСИ

Музаффар САЛИЕВ

## ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ:

Назиржон НАЗИРОВ  
Тоҳир ХАЙДАРОВ  
Ғофир ДЖАМАЛОВ  
Боҳодиржон ҚАХОРОВ  
Алипаша АХМЕДОВ  
Отабек САИДАЗИМОВ  
Ақром ЛАТИПОВ

## ИЛМИЙ КЕНГАШ:

Саидахорр ГУЛЯМОВ  
Жамолддин ДЖУМАНОВ  
Шоира ШОДМОНОВА  
Жасурбек АТАНИЯЗОВ  
Дилшод РАҲМОНОВ  
Асадулла ХОТАМОВ

## БОШ МУҲАРРИР

Шарофиддин РАДЖАБОВ

## ИЖОДИЙ ГУРУҲ:

Арофат МИРМУҲАМЕДОВА  
Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ

## ДИЗАЙНЕР

Эркин УСМОНОВ

## САҲИФАЛОВЧИ

Шаҳобиддин ХЎЖАЕВ

Таҳририят манзили: 100035,  
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0973-рақам билан 2018 йил  
28 майда рўйхатдан ўтган

## ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ:

Жисмоний шахслар учун **1336**,  
Юридик шахслар учун **1337**

«Credo Print» МЧЖ китоб  
фабрикасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси 160.  
Тел.: 71 234-44-01/05.  
www.credoprint.uz

Таҳририят телефони: +998 71 234 17 08  
Реклама бўлими: +998 94 650 15 32  
Email: uyjoy.kommunal@mail.ru

## МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

### Табрик

Янги йилингиз муборак бўлсин! .....2

### Ислоҳотлар амалда

Янги қонунда қандай устувор мақсадлар ифодаланган? .....3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони .....6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.....9

Эртага бугунгидан яхшироқ яшаш керак .....11

Қорли кунлар қувончли бўлсин.....15

### Тизимдаги янгиликлар

Давлат-хусусий шериклик – бошқарувнинг самарали усули .....18

ГУП «Ўзбеккоммуналлойдихақурилиш».....20

### Жаҳон тажрибаси

Создание отечественных систем SCADA водоснабжения и  
канализации в МЖКО Республики Узбекистан .....24

Ахсикент.....27

### Долзарб мавзу

Мўйноқ қайноқ ҳаёт оғушида .....31

Сифатли ичимлик суви – саломатлик кафолати.....34

Қадим воҳанинг янги кунлари.....36

Современные ливневые очистные сооружения для предприятий.....38

“Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУК – эл хизматида .....42

Ичимлик суви муаммоси ва унинг ечимидаги муҳим омиллар .....44

Келажак бугундан бошланади .....48

Қандай иссиқлик таъминоти аҳолига арзон ва қулай? .....52

Сувнинг қадрига ет, чанқамай туриб... .....54

### Орамиздаги одамлар

Эл дардида ёнган элда азиздир .....56

Шарафли касб масъулияти... .....58

Яккасаройда бир чилангар бор... .....60

### Адабиёт ва санъат

Тиллар, диллар муштарак .....62

Халқимиз Ҳалимаси .....66

Коммуналчи ижодкорлар.....68

Сиз ўшами?.....70

Буюртма №: 1276  
Адади: 500 нусха  
Босишга топширилди: 19.12.2019

UY-JOY KOMMUNAL XIZMATLARI  
№ 4 (2019)



## ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ ВА УНИНГ ЕЧИМИДАГИ МУҲИМ ОМИЛЛАР



**Ичимлик суви инсон учун энг асосий неъмат бўлиб, унинг аҳамияти борган сари ортиб бормоқда.**

Таъкидлаш лозимки, сув кимёвий формуласи бўйича жуда содда, рангсиз, таъмсиз ва шу билан бирга муқобили бўлмаган табиий ресурс – ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, инсоннинг муносиб ҳаётию, кишилиқ жамиятининг ривожини учун фундаментал асос ҳисобланади. Дунёдаги умумий сув захиралари қарийб 1,4 миллиард км<sup>3</sup> бўлгани ҳолда унинг фақат 2 фоизга яқин қисминигина чучук сувлар ташкил этади. Инсоният ўз эҳтиёжлари учун ишлатиши мумкин бўлган чучук сув ресурслари миқдори эса, олимлар ҳисобларига кўра, атиги 41 минг км<sup>3</sup> ни ташкил этади. Дунёдаги мавжуд чекланган чучук сув ресурслари – улар тақчиллигининг ортиши ва сифатининг ёмонлашиб бориши билан ҳам характерланади. Бугунги кунда бутун ер юзида чучук сув тақчиллиги жиддий глобал муаммога айланиб улгурди. Бу ҳолат табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, тирикчилик учун зарур воситаларнинг камайиши ва аҳоли касалланиши ҳолатларининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Айни дамда асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган сувнинг етишмовчилигидан дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида истиқомат қилувчи 2 миллиарддан ортиқроқ киши азият чекмоқда. Ичимлик суви муаммолари, айниқса, ёз кунларида янада яққолроқ намоён бўлади. Статистик маълумотларга кўра, амалда жаҳондаги аҳолининг бешдан бир қисми ичимлик суви тақ-

чиллиги кузатиладиган ҳудудларда истиқомат қилади. Бундан ташқари аҳолининг тўртдан бир қисми тегишли ерости ва ерусти манбаларидан сув олиш инфратузилмасининг яратилмаганлиги туфайли сув тақчиллиги ҳолатида бўлган ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Чучук сув тақчиллиги XX асрнинг охиригача ўн йиллигидан бошлаб замонавий глобал муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Ичимлик сувининг етишмовчилиги аҳоли учун турли кўринишдаги турмуш шароитининг ёмонлашуvidан токи организм сувсизланиши каби касалликларнинг ривожланиши ва ўлим ҳолатига бўлган негатив оқибатларга олиб келиши мумкин. Тоза сувнинг етишмаслиги одамларни ичимлик мақсадлари учун хавфсиз бўлмаган манбалардан фойдаланишга мажбур қилади. Шунингдек, гигиена муаммоси катта муаммолардан бирига айланади. Одамлар талаб даражасида ювиниш, кир ювиш ва хонадон санитария ҳолатини сақлаш имконига эга бўлмай қолади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда кишиларда учраётган касалликларнинг тахминан 80 фоизи доимий равишда сифати талабга жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Аксарият ҳолларда бундай салбий ҳолат инсон организмга суюқлик билан оғир металллар, жумладан, кадмий, кўрғошин, симоб ва бошқа моддаларнинг тушиши билан изоҳланади. Бундай таъсирлар нати-



жасида инсон организмида онкологик ва тери касалликларининг ривожланиши, юрак-қон томирлари тизими ва бошқа ички органлар фаолиятининг ёмонлашуви юзага келади. Бундан ташқари сўнги йилларда болаларда туғма аномалиядан азият чекиш ҳолатлари кузатилмоқда. Тадқиқотлар натижасида ер шари бўйича ҳар йили оналарнинг ҳомиладорлик даврида ифлосланган сув истеъмол қилганлиги натижасида 5 миллионга яқин чақалоқ ҳаётдан кўз юмади. Шунинг учун дунё миқёсидаги айрим фактларга эътибор қаратамиз:

2017 йилда дунё аҳолисининг 71 фоизи (5,3 млрд. киши) тоза, талаб этилган жойда ва вақтда ичимлик суви таъминоти хизматидан фойдаланган;

Дунё аҳолисининг 90 фоизи (6,8 млрд. киши) ҳеч бўлмаганда оддий сувни олиб келиш учун 30 дақиқача вақт сарфланадиган сифати бирмунча яхшиланган сув манбасидан фойдаланган;

785 млн. киши ҳатто энг оддий сув таъминоти хизматларидан ҳам маҳрум бўлса, 144 млн. киши ерусти сув манбаларига қарамдир;

Дунё бўйича 2 млн. дан ортиқроқ аҳоли талабга жавоб бермайдиган, ҳатто фекал моддалари билан ифлосланган сув манбаларидан фойдаланади;

Ифлосланган сувлар диарея, холера, дезинтерия, тиф каби касалликлар ташувчиси ҳисобланади. Ифлосланган ичимлик суви ҳар йили дунёда 450 000 диарея туфайли вужудга келган ўлим ҳолатларига сабаб бўлмоқда;

2025 йилга келиб дунё аҳолисининг ярми сув тақчиллиги шароитидаги зоналарда яшаши башорат қилинмоқда;

Ривожланаётган мамлакатларнинг 22 фоизи соғлиқни сақлаш муассасалари сув таъминоти воситаларига, 21 фоизи эса санитария хизматлари ва 22 фоизи оқова сувларни тозалаш хизматларига эга эмас.

Сув билан боғлиқ энг асосий муаммо – мавжуд чекланган сув ресурсларининг тобора ошиб бораётган талабларга мос келмаслиги билан боғлиқдир. Дунёда умумий сув хўжалик муаммоларининг асосий келиб чиқиш сабабларини:

1. Ер юзиде чучук сув захираларининг ўта чегараланган миқдорда эканлиги;

2. Чегараланган чучук сув ресурсларининг қитъалар бўйича ҳудудий жиҳатдан ўта нотекис тарқалганлиги;

3. Мавжуд, чегараланган, чучук сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида (антропоген омиллар) уларнинг ифлосланиши, яъни яроқли ҳолатдан яроқсиз ҳолатга ўтиб қолиши билан изоҳлаш мумкин.

Сув ресурсларига хос яна бир муҳим жиҳат уларнинг турли хосса ва хусусиятларга эга бўли-

ши ҳамда турфа мақсадлар ва кўп сонли истеъмолчилар томонидан фойдаланилувчи ягона, муқобили бўлмаган умумфойдаланилувчи ресурс эканлиги билан боғлиқдир. Сув ресурсларидан бир вақтда миллионлаб истеъмолчилар ўзларининг турли эҳтиёжлари учун фойдаланадилар. Сувнинг турли фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланишда нафақат кишилик жамиятининг иқтисодий ва атроф-муҳит барқарорлиги учун зарур бўлган экологик эҳтиёжлари ўртасида, балки алоҳида истеъмолчилар ва ҳатто мамлакатлар манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келади. Зиддиятлар сувнинг миқдори, сифати ёки режими (сувнинг керакли миқдорда ва зарур сифат кўрсаткичларида мавжуд бўлиш вақти ва муддати) кўрсаткичлари бўйича юзага келиши мумкин.

Сув ресурсларига қиймати бўйича баҳо берилмайдиган бўлса, улар бугун дунёда нефть-газ захираларидан кейин иккинчи ўринга қўйилмоқда.

Бутунжаҳон сув форумида қабул қилинган қарорга кўра ҳар бир мамлакатда аҳоли ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган миқдордаги ичимлик сувини олишига имкон яратилган бўлиши, шунингдек, канализация билан таъминланган бўлиши лозим. Ривожланган мамлакатларда ҳар бир киши бир кунда 500–800 литр (йилига 300 м<sup>3</sup>), ривожланаётган мамлакатларда эса ҳар бир киши бир кунда 60–150 литр (йилига 20 м<sup>3</sup>) сув ишлатади. Жанубий Африка Республикаси аёллари ўз оилалари учун сув йиғиш мақсадида бир кунда ҳаммалари жами Ердан Ойгача бўлган масофани ҳар икки томонга 16 марта босиб ўтишади. Миср аёлларининг 30 фоизи ҳар куни оиласи учун сув олиб келиш мақсадида ўртача 1 соат пиёда юришади. Африканинг айрим жойларида аёллар ва болалар сув олиб келиш учун 8 соатгача вақт сарфлашади. Улар кунига 20 кг юк (сув) билан 10–15 км йўл босишади. Науру давлатига сув кемаларда бошқа мамлакатлардан ташиб келтирилган. Ҳозирда эса оролда сувни чучуқлаштирувчи станция қурилиб, унинг сувидан фойдаланилади.

Фиджи ва Тонга давлатларидаги айрим ороллари аҳолисига ичимлик суви бошқа ороллاردан баржа ёки танкерлар воситасида келтирилади. Фиджи, Кирибати ва Маршалл ороллари давлатларида қурғоқчилик вақтида аҳоли ўзларининг сувга эҳтиёжларини қондириш учун кокос меваларидан фойдаланишади. Гонконг шаҳри (давлати) ўз эҳтиёжи учун 50 фоиз сувни материк (Хитой)дан қувурлар орқали келтиради. Чилидаги Чунгунго қишлоғида ва Перу давлатининг пойтахти Лима шаҳрининг бир қисми ичимлик сувини денгиздан келадиган булутлардаги туманнинг тепаликка ўрнатилган тўрлар орқали ўтишидан ҳосил бўладиган сувни йиғиш



орқали олишади.

Ҳозирги кунда замонавий сув таъминоти инфратузилмалари – сув манбаи ва сув олиш, уни тозалаш ва сақлаш, ташиш ва истеъмолчиларга тарқатиш иншоотлари ва тармоқларини ўз ичига олувчи мураккаб инженерлик тизимларига айланди. Шу билан бирга мазкур тизимлар ишини барқарор юритиш ва кўп сонли истеъмолчилар билан муносабатлар катта ҳажмдаги институционал мажмуаси воситасида юритилмоқда ҳамда бугунги кунда кенг қамровли ислохотларни талаб этмоқда. Ичимлик суви муаммосининг энг катта сабабларидан бири сув таъминоти ва санитария хизматининг (сув таъминоти тизимларини лойиҳалаш, қуриш, барқарор ишлатиш, ривожлантириш, модернизация қилиш, соҳада илмий тадқиқотларни олиб бориш ва инновацияларни жорий этиш) ишларининг кун талабларидан кескин ортида қолаётгани билан боғлиқдир.

Бугунги кунда замонавий сув таъминоти тизими лойиҳалари сифатига талаблар доимий равишда ўсиб бормоқда. Бу ҳолат истеъмолчиларнинг сони ва сув сарфларини мослаштирувчи ҳажмларнинг ўсиши, ўзгарувчан сув истеъмоли, сув таъминоти тизимларида доимий амалга оширилувчи ўзгариш жараёнлари, иншоот ва тизимларнинг катталашуви ва реконструкцияси, эҳтимолий энг юқори юкламалару тизимлардаги элементларда рўй берувчи авария ҳолатлари билан боғлиқ. Аҳоли пунктларидаги мавжуд сув таъминоти тизимлари, уларга янги сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш учун хизмат қилувчи янги тармоқларнинг қўшилиши ҳисобига янада мураккаброқ бўлиб бормоқда. Сув таъминоти муҳандислик тизимларининг эксплуатацион самарадорлиги даражасига мавжуд иншоотлар, жиҳозлар ва тармоқларнинг ички емирилиши сезиларли даражада таъсир этади. Мавжуд ва эскириб бораётган инженерлик тизимларининг техник ҳолати ижтимоий ва иқтисодий хавф манбасига айланмоқда. Жумладан, жаҳонда урбанизация жараёни, аҳоли пунктларининг жадал ўсиши ва ривожланиши шароитларида аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаш, сув таъминоти тизимлари ишининг ишончлилиги ва лойиҳалар сифатини ошириш долзарб муаммодир. Бу муаммога АҚШ, Германия, Россия, Исроил, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган сув таъминоти тизимлари сифатини ошириш, жумладан, уларнинг таркибидаги иншоотлар ва тармоқлар тизимларини лойиҳалаш сифати ва қурилиши ҳамда эксплуатацион ишонччилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда жуда катта миқдордаги сув ресурсларига эга бўлишига қарамай Россиянинг бир қатор ҳудудларида ҳам ичимлик суви тақчиллиги сезилмоқда. Бу ҳолат айрим минтақаларда (Перм ўлкаси, Ростов вилояти, Адигей мухтор вилояти) сув ресурсларининг чекланганлиги, сув ресурсларидан самарали фойдаланмаслик ҳамда сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш темпларининг ортида қолиши билан боғлиқ. Режавий-жорий таъмир ўрнига кўп ҳолларда аварияли-қайта тикловчи таъмирлар ўтказилишига тўғри келмоқда.

Украинада ҳам аҳоли пунктларининг асосий қисми ичимлик суви билан марказлашган водопровод орқали таъминланади. Сув берилишидан олдин энг оддий ва самарали технология сифатида хлорлаш орқали зарарсизлантирилади. Бироқ, сувга ишлов берилгандан сўнг унда ўткир ҳид ва ёқимсиз таъм пайдо бўлади. Бундан ташқари сувнинг таркибидаги турли органик моддалар хлор молекулалари билан кимёвий реакцияга киришиб, соғлиқ учун зарарли бирикмалар ҳосил қилади. Сувни хлор билан зарарсизлантириш унчалик ҳам безарар эмас, бироқ, унинг замонавий технологияларини водопровод станцияларида қўллаш ҳам иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланмайди, чунки зарарсизлантирилган сувнинг каттагина қисми ишлаб чиқариш ва хўжалик мақсадлари (фақат ичимлик учун эмас) учун сарфланади. Қайта ишланган сувлар сифати ёмонлашувида қаттиқ емирилган қувурларнинг ҳам “ҳисса”си катта.

Ўзбекистон Республикаси йирик трансчегаравий дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимларида жойлашган, аҳолисининг сони тез ортиб бораётган, иқтисодиёти тез ривожланаётган (сувга бўлган талаби ҳам тез ўсаётган), қолаверса, иқлим ўзгариши, трансчегаравий масалалар каби омилларнинг таъсирини сезиларли даражада ўзида ҳис этаётган мамлакат ҳисобланади. Мамлакатда чучук сувлар танқислиги тобора кўпроқ сезилиб бормоқда.

Шу билан бирга, мамлакатдаги ичимлик суви танқислиги бошқа сабаблар билан бир қаторда сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш билан ҳам боғлиқдир. Ичимлик суви таъминотидаги вазиятга тегишли яна бир муҳим жиҳат шундаки, мавжуд сув таъминоти тизимларининг бир неча ўн йиллар аввал қурилган аксарият тизимлари ҳозирги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг марказлашган ичимлик суви таъминоти тизимлари билан қамраб олиниши 67 фоизнигина ташкил этади. Асосий муаммолар қишлоқ аҳоли пунктларида ҳисобланади. Янги тизимлар қурилиши



ва эскиларини реконструкция қилиш ишлари даражаси эса амалдаги талабларга нисбатан сезиларли даражада ортда қолди, бу ҳол, айниқса, қишлоқ сув таъминотида яққол сезилиб қолди.

Вилоятларда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатини акс эттирувчи мисол сифатида Наманган вилояти ҳокимининг 2019 йил 12 октябрь куни Олий мажлис Сенатида берган ҳисоботидан олинган айрим маълумотларга эътибор қаратиш мумкин. Ҳозирда вилоят аҳолисининг 37,8 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Мавжуд 508 та сув олиш қудуқлари 46 фоиз қувват билан ишламоқда, 13 фоиз сув қудуқлари таъмирталаб, 8 фоизи эса яроқсиз ҳолга келган.

Сув таъминоти ташкилотларининг аксарият ҳолларда катта қарздорлиги бўлиб, тизимлар самарадорлигининг пастлиги ва айрим ҳолларда етказиб берилган сув нархларининг арзонлиги туфайли янги қурилишни молиялаштириш имконига эга эмас. Уларнинг материал техник таъминоти етарли эмас. Ичимлик суви таъминоти тизимларининг бугунги муаммоли ҳолатга тушиб қолишида соҳа учун юқори малакали кадрларни жойлардан келган ёшлар ҳисобига тайёрлаш ҳамда соҳа ривожини таъминловчи фундаментал, амалий ва инновацион илмий ишларга етарли эътибор берилмагани, тегишли шароит яратилмаганлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда, афсуски, аксарият сув таъминоти корхоналари юқори малакали кадрлар билан тўлиқ таъминланмаган. Шундай қилиб, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш долзарб масалага айланди.

Юқорида зикр қилинган масала, эндиликда, давлат сиёсати даражасида устуворлик касб этиб, давлатимиз томонидан сув таъминотини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, сув олиш, канализация иншоотлари ҳамда водопровод тармоқларининг янгиларини қуриш ва мавжудларини қайта тиклаш учун уларнинг лойиҳаларини бажаришда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва “2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги Қарорлари соҳада кенг қамровли ислохотларни ўтказиш учун асос бўлди ва

асосий вазифалар кўламини белгилаб берди. Давлатимиз Раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқиш вазифаси ҳамда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети доирасида марказлаштирилган капитал кўйилмалар лимитлари ҳисобидан амалга ошириладиган сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг Манзилли дастури тасдиқланган. Унга кўра 12 мингдан ортиқ аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти, 31 та йирик шаҳарларда оқова сув хизматлари, 158 та туман марказларида оқова сув хизматлари мавжуд жойларда реконструкция ишларини амалга ошириш, мавжуд бўлмаган жойларда янги тизимлар қурилиши кўзда тутилган.

Яқин келажақда аҳолини тоза ичимлик суви билан ишончли таъминлаш ва сув таъминоти тизимларини ривожлантиришда соҳада олиб борилаётган ислохотлар доирасида қуйидаги муҳим кўшича йўналишлар устувор бўлиши лозим:

- мамлакатда “Ичимлик суви таъминоти тўғрисида”ги махсус қонуннинг қабул қилиниши;

- “Ичимлик суви таъминотининг Бош Схемаси” ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

- “Ичимлик суви хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламент қабул қилиниши;

- манфаатдор хизмат ва тармоқлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- сифатсиз ичимлик суви истеъмол қилиниши оқибатида аҳоли саломатлигига хавф соладиган омилларни баҳолаш услубини жорий этиш;

- ижтимоий-гигиеник мониторинг тизимини такомиллаштириш;

- соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар кўламини ва сифатини ошириш.

Хусусан, соҳага йўналтирилган йирик инвестицион лойиҳалар дастурига мажбурий равишда кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар учун махсус ажратмалар ажратиш имкониятини яратувчи компонентнинг киритилиши тартибни жорий этиш бугунги кун талабидир.

**А.Т. САЛОҲИДДИНОВ, О.А. АШИРОВА,  
С.А. МАМАТОВ, П.А. ҲАКИМОВА,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институтини ўқитувчилари.**